

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АШУРОВ ЗАРИФЖОН ШАРИФОВИЧ

**ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРЛИ БЕМОРЛАРДА АЛКОГОЛИЗМ ВА
НАРКОМАНИЯНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.18 - Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ашуров Зарифжон Шарифович

Девиант хулқ-атворли беморларда алкоголизм ва наркоманиянинг
клиник хусусиятлари..... 3

Ашуров Зарифжон Шарифович

Клинические особенности алкоголизма и наркомании у больных с
девиантным поведением..... 27

Ashurov Zarifjon Sharifovich

Clinical features of alcoholism and addiction in patients with deviant
behavior..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АШУРОВ ЗАРИФЖОН ШАРИФОВИЧ

**ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРЛИ БЕМОРЛАРДА АЛКОГОЛИЗМ ВА
НАРКОМАНИЯНИНГ КЛИНИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.18 - Психиатрия ва наркология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Tib10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг ik-falsafa@nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ходжаева Назира Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сиволап Юрий Павлович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аграновский Марк Лейзерович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимов Улугбек Худоярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти
(Ўзбекистон)**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х. А. Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н. Н. Убайдуллаева
Илмий даражасини берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

У. Х. Алимов
Илмий даражасини берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг маълумотига кўра¹ гиёҳвандлар сони дунё микёсида йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2006-2007 йилларда ер юзи аҳолисининг қарийб 200 миллион нафарини гиёҳвандлар ташкил этган бўлса, 2013-2014 йилларда уларнинг сони 246 миллионга етди. Алкоголизм ва унинг салбий оқибатлари натижасида эса йилига 2,5 миллионга яқин одам вафот этади. Шу билан бир қаторда мазкур кассаллик қатор ҳолларда инсоннинг меҳнат қобилиятининг йўқолиши, атрофдагилар билан зиддиятга киришуви, турли жиноятларни содир этиш каби салбий оқибатларга олиб келмоқда. Шу боис девиант хулқ-атворлилик масаласи бугунги кунда жаҳондаги жиддий ижтимоий муаммо ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида наркология хизматини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинган беморларни самарали кўриқдан ўтказиш, маслаҳат бериш, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий-ижтимоий тиклаш каби наркологик тиббий хизматни замонавий талаблар асосида сифатли ташкил этиш бўйича ижобий ўзгаришларга эришилди.

Жаҳон микёсида алкоголизм ва опийли гиёҳвандликнинг шаклланиши, ривожланиши ва касалликнинг кечиши билан преморбид даврдаги девиант хулқ-атворнинг салбий таъсири орасидаги боғлиқликни ўрганиш ҳамда ушбу касалликни даволаш ва олдини олишнинг самарали йўллари ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморларнинг шахсий-биологик хусусиятларини очиб бериш, девиант хулқ-атвор ва шахс девиацияси шаклланишидаги ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш ҳамда хулқ-атвор шакллари ҳисобга олган ҳолда даволаш-реабилитациясига оид тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги 2133-сон Қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» Давлат дастури, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси наркотикларни назорат қилиш Давлат комиссиясининг 2011 йил 8 августдаги 11/11-сон қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларга мўлжалланган наркотикларни суистеъмол қилиш ва ноқонуний муомалага чиқаришга қарши курашиш комплекс чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан

¹ UNODC, United Nations Office on Drugs and Crime, World Drug Report 2015// <http://www.unodc.org/wdr/2015/>

ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ ДИТД-9 «Инсон касалликлари профилактикаси, ташхиси, даволаш ва реабилитациясининг янги технологияларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Алкоголизм ва гиёҳвандликнинг клиник-психопатологик хусусиятлари, даво ва реабилитациясига қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан National Institute on Drug Abuse, University of Rochester (USA), Medico Centro Teknon, Quiron Madrid University Clinic (Spain), Institute of Psychiatry, Psychology & Neuroscience (England), University of Melbourne, Central Clinical Hospital of Vienna (Austria), Dasarang Global Alkohol Clinic (Korea), European Psychiatric Association, The Center of Psychological Aid in Bali (Bali), Наркология миллий илмий маркази (Россия), Республика наркология маркази, Тошкент тиббиёт академиясида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Алкоголизм ва гиёҳвандликнинг клиник хусусиятлари, даволаш-реабилитация ва профилактикаси бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: умумий қабул қилинган детоксикация, медикаментоз даволаш ва психокоррекция усуллари патогенетик асослаб берилган (Medico Centro Teknon, Spain); махсус даволаш дастури бўйича психологик маслаҳатдан ўтмаган беморларда асосий ижтимоий-психологик хавф омилларини бартараф қилиш ишлаб чиқилган (National Institute on Drug Abuse, University of Rochester, USA); биологик, психологик ва ижтимоий реабилитация дастурида устувор йўналишлар очиб берилган (Dasarang Global Alkohol Clinic, Korea); узоқ муддатли реабилитация дастуридан ўтган беморларда ижтимоий мослашув-чанлик фаолиятини тиклашнинг юқори даражада бўлиши асосланган (The Center of Psychological Aid in Bali, Bali);

Дунёда алкоголизм ва опийли гиёҳвандликнинг клиник хусусиятлари, ташхиси, даволаш-реабилитацияси ва шахсий-биологик, ижтимоий-психологик омилларига оид муаммоларни ечиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: преморбид давридаги омиллар туфайли юзага келадиган оқибат ва асоратларни эрта ташхислаш; молекуляр-генетик ва иммунологик ўзгаришларни аниқлашнинг замонавий ташхис усуллари ишлаб чиқиш; касалликни ташхислаш, олдини олиш ва даволаш стандартларини преморбид омилларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, сўнгги йилларда девиант хулқ-атворни ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда ва бу хорижий адабиётларида кенг ёритилган (Albrecht U., 2007; Paul R. and Jacob E., 2008., Dennis W., Heather M., 2012).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.drugabuse.gov/publications#;> <https://www.teknon.es/JCIQuality@jcrinc.com;> [https://www.ksl.ac.uk/ioppn/about/322/info_imprint;](https://www.ksl.ac.uk/ioppn/about/322/info_imprint) [https://www.cskswia.pl/cse/for-patients/health-promotion-preven/12244.the-central-clinical-hospital-of-the-ministry-of-the-interior-and-administration.html;](https://www.cskswia.pl/cse/for-patients/health-promotion-preven/12244.the-central-clinical-hospital-of-the-ministry-of-the-interior-and-administration.html) [https://en.heajuclinic.com/dasarang/;](https://en.heajuclinic.com/dasarang/)

Бугунги кунда ижтимоий девиациянинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, аммо барча тадқиқотларда ҳам девиация ривожланишининг ҳал қилувчи бўғин ҳисобланган преморбид давр омилларини ўрганишга эътибор қаратилмайди, ваҳоланки, бу янги самарали профилактика чораларининг муҳим жиҳатидир (Аболонин А.Ф., Назарова И.А., Асланбекова Н.В., 2014; Игумнов С.А., 2014).

Шахс типи ва ота-онанинг зарарли хулқ-атвори алкоголизмга чалинган беморларда аутоагрессив хулқ-атвор кўринишларининг шаклланишига олиб келади (Новиков С.А. ва бошқалар, 2014). Аддиктив бузилиши бор беморларда суицидал хулқ-атвор феноменологияси ва оилавий муносабатлар тузилишида ҳамкор тобелик хулқ-атворли оила аъзолари ўрганишда аддиктив беморларни даволаш ва реабилитациясини оптималлаштириш ҳамда диагностик-терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш талаб этилади (Бисалиев Р.В., 2011). Девиант хулқ-атворли ёш аёлларда алкоголизм кечишининг клиник хусусиятлари кўриб чиқилган ҳамда унинг даволаш, реабилитация ва профилактикасини мувофиқлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилган (Овчинников С.В., 2008). Кўплаб олимларнинг маълумотларига кўра, диссоциал, эмоционал-нотурғун, истерик, етук шахс бузилиши ва циклотимияли шахс типли гиёҳванд беморлар паст даражада ижтимоий мосла-шувчан, умумижтимоий меъёрлардан юқори даражада оғишга мойил бўлади (Алтынбекова Г.И. ва бошқалар, 2005).

Ўсмирлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, болалар ва ўсмирларнинг таълим олиш ва тарбияланиш шароитлари, уларнинг қадриятларга бўлган муносабати, болалар ва ўсмирларда девиантлик шаклланишига носоғлом оилаларнинг ҳалокатли таъсири ўрганилди (Paul R. and Jacob E. Cheadle, 2008; Швейцер Л.Б., 2005). Ю.П.Сиволап ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, нейрорептиклар, антидепрессантлар ёки антиконвульсантларнинг аддиктив майлни бартараф қилиш қобилиятига эга деб ҳисобланишига ҳеч қандай илмий ва амалий асос йўқ (Савченков В.А. ва бошқалар, 2006). ЖССТ стандартларида когнитив хулқ-атвор психотерапияси, Россияда эса – эмоционал-стрессли ва рационал психотерапия кабилар опийли қарамликни даволашнинг асосий усули сифатида кўрсатилади (Менделевич В.Д., 2004).

Гиёҳванд моддаларга қарамликнинг олдини олиш бўйича АҚШ, Австралия, Ғарбий Европа ва Россия олимлари томонидан бир қатор дастурлар ишлаб чиқилмоқда, аммо уларнинг тадбиқ қилиш натижалари бирдай унумли эмас, чунки мазкур дастурларда қайта касалланишнинг олдини олиш модели ва психотерапевтик услубларнинг етарлича назарий асосланмаганлиги яққол сезилади (Сирота Н.А., Ялтонский В.М., 2007; Оруджев Н.Я., 2004).

Республикамізда наркология муаммолари юзасидан тадқиқотларни Л.А. Турсунходжаева, У.Х. Алимов, Н.И. Ходжаева, М.Л. Аграновский, Ш.Ш. Магзумова, А.Х. Имамов, В.К. Абдуллаева, Ф.А. Шигакова, Ж.Т. Рустамова, Ш.Х.Султанов, У.И.Кучкаров, А.Т.Шамсиев кабилар тадқиқот олиб борганлар. Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, преморбидда

девиант хулқ-атворли алкоголизм ва опийли гиёҳвандликнинг клиник хусусиятлари ва даволаш-реабилитация чора-тадбирлари кам ўрганилган. Бу, ўз навбатида, мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттиришни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида «Ҳар хил патологик ҳолатлар ривожланишининг патогенетик механизмларининг ўзгариш хусусиятлари ва дори воситалари билан даволаш схемаларини оптималлаштириш чоралари» (2011-2014 йй.) ҳамда «Турли ёшдаги шахсларда психоактив моддаларга қарамликнинг шаклланишига турли омилларнинг таъсири ва аниқланган омиллар бўйича реабилитация ва даволаш усулларини такомиллаштириш» (2015-2018 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади преморбидда девиант хулқ-атворли беморларда алкоголизм ва опийли гиёҳвандликнинг клиник-психопатологик хусусиятларини шахсий-биологик ва ижтимоий-психологик омилларини ҳисобга олган ҳолда даволаш-реабилитация ҳамда профилактика чора-тадбирларини мукамаллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморларнинг преморбид давридаги девиант хулқ-атвор хусусиятларини аниқлаш;

преморбидда алкоголизм ва опийли гиёҳвандлик билан касалланган девиант хулқ-атворли беморларнинг шахс хусусиятларини аниқлаш;

алкогол ва опиатларга қарам беморларнинг преморбид даврида девиант хулқ-атвор ва шахс девиацияси шаклланишидаги ижтимоий-психологик омилларнинг ролини ўрганиш;

преморбидда девиант хулқ-атворли беморларда алкоголь ва опиатларга қарамликнинг клиник хусусиятлари ҳамда тиббий-ижтимоий асоратларини ўрганиш;

преморбидда девиант хулқ-атворли ва девиант хулқ-атворсиз алкоголизм ва опийли гиёҳвандлик билан касалланган беморлар бош миё ҳолатининг нейровизуал хусусиятларини қиёсий ўрганиш;

преморбидда девиант хулқ-атворли беморларда психоактив воситаларга қарамликнинг даволаш-реабилитация ва профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объектини алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган 19 ёшдан 59 ёшгача бўлган 400 нафар эркак беморлар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предметини алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка қарам эркак жинсидаги шахсларнинг шахсий-биологик ва ижтимоий-психологик омиллари ҳамда клиник-анамнестик, клиник-психопатологик ва клиник-психологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда статистик, клиник, катамнестик, клиник кузатув, ҳамда экспериментал-психологик ва нейровизуал текширув каби усуллар қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларидан иборат:

алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморлар преморбидидаги девиант хулқ-атвор ривожланишида перинатал патология кузатилиши, эмоционал-нотурғун ва эксплозив шахс типларининг устунлиги, наркологик ва руҳий касалликларга наслий мойиллик ҳамда ижтимоий-психологик омилларнинг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

психоактив воситаларни истеъмол қилишнинг эрта бошланиши, қарамликнинг юкори тезликда шаклланиши ҳамда абстинент синдромнинг оғир кечиши билан характерланадиган, преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморларда қарамликнинг юкори даражадаги прогредиент кечиши асослаб берилган;

преморбидда девиант хулқ-атворли беморларда патологик майлнинг хулқ-атвор ва аффектив компонентлари устунлик қилиши аниқланган;

қарамлик юкори даражада прогредиент кечувчи девиант хулқ-атворли беморларда бош миянинг бироз қуришидан то субкортикал макон ва бош мия пўстлоқ қисми пешона бўлаги эгатчаларининг кенгайиши каби морфологик ўзгаришларнинг шаклланиши аниқланган;

преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморларнинг ижтимоий мослашувини яхшилаш учун когнитив хулқ-атвор психотерапиясини қўллаш патогенетик асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморлар учун даволаш-реабилитация дастури ишлаб чиқилган;

преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголь ва опийларга қарам беморлар учун мукаммаллаштирилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув, усул ва олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий тавсиялардан алкоголизм ва опийли гиёҳвандликнинг шаклланишида шахс-биологик, ижтимоий-психологик, клиник-динамик ва инструментал текширувлар ёрдамида касалликнинг шаклланиш жараёни, ривожланиши, ҳамда касаллик кечишининг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда даволаш-реабилитация дастурини такомиллаштириш илмий асослаб берилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда ишлаб чиқилган тавсиялардан психоактив моддалар истеъмолининг бирламчи ва уларга қарамликнинг иккиламчи профилактика усуллари такомиллаштиришда,

даволаш-реабилитация муассасаларида адекват даво чораларини танлашда, шунингдек, тегишли йўналишлар бўйича таълим ва илмий фаолиятда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Девиант хулқ-атворли беморларда алкоголизм ва наркоманиянинг клиник хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

«Девиант хулқ-атворли алкогольга қарам беморлар психотерапиясининг ўзига хослиги» мавзудаги услубий тавсиянома расмийлаштирилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 апрелдаги 8Н-д/27-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголь ва опиатларга қарам беморларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда қайта касалланишлар ва асоратларнинг камайтириш имконини берган;

преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголизм ва опийли гиёҳвандликнинг клиник хусусиятлари, ривожланиши, кечиши ва даволаш-реабилитация чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Хоразм вилояти наркологик диспансери ва Тошкент шаҳар мажбурий даволаш наркология шифохонаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 апрелдаги 8Н-д/27-сон маълумотномаси). Амалиётга жорий қилинган тавсиялар натижасида беморларнинг ижтимоий мослашуви яхшиланган, қайта касалланишларнинг олди олинган, касаллик клиник ремиссия ҳолатларининг 1,6 мартага ошиб, шифохонада даволаниш заруратининг 2 марта камайтириш имконини берган, бу эса даволаниш учун сарфланадиган маблағларнинг қарийб тенг баробар тежалишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб

берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Преморбидда девиант хулқ-атворли беморларда алкоголизм ва опийли гиёхвандликнинг клиник-психопатологик хусусиятларининг назарий асоси ва замонавий талқини» деб номланган биринчи бобида девиант хулқ-атвор феномени, унинг сабаблари, ижтимоий-психологик омилларнинг роли, шунингдек алкоголизм ва опийли гиёхвандликнинг клиник хусусиятлари, ривожланиши ҳамда қарамликнинг кечишида девиант хулқ-атворнинг аҳамияти ва даволаш-реабилитация усуллари тўғрисидаги илмий маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг «Девиант хулқ-атворли алкоголизм ва опийли гиёхвандликнинг клиникаси, преморбид омилларнинг методологияси» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган материал ва тадқиқот олиб бориш услублари, фойдаланилган усуллар, шунингдек, олинган маълумотларни қайта ишлашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун 2010 - 2015 йиллар давомида Республика наркология марказида алкоголизмнинг иккинчи даражаси билан стационар равишда ихтиёрий даволанаётган 200 нафар, ҳамда опийли гиёхвандликка чалинган 200 нафар эркакларда клиник текширувлар олиб борилган. Беморлар тўртта гуруҳга бўлиб ўрганилган:

150 нафар биринчи гуруҳ (1-гуруҳ) – преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголизмга чалинган беморлар;

50 нафар иккинчи гуруҳ (2-гуруҳ) – алкоголизмга чалинган, преморбидда девиант хулқ-атворсиз беморлар;

150 нафар учинчи гуруҳ (3-гуруҳ) – преморбидда девиант хулқ-атворли опийли гиёхвандликка чалинган беморлар;

50 нафар тўртинчи (4-гуруҳ) гуруҳ – опийли гиёхвандликка чалинган, преморбидда девиант хулқ-атворсиз беморлар.

Сомато-неврологик белгилар яққол намоён бўлган ва ёндош руҳий касалликларга эга беморлар тадқиқотга киритилмади.

Биринчи ва учинчи гуруҳга киритилиш мезонлари қуйидагилар этиб белгиланди: касалликнинг иккинчи (ўрта) босқичида бўлган, алкоголизм ёки опийли гиёхвандлик билан касалланган эркаклар; алкоголизм ёки гиёхвандлик ривожланишидан олдин девиант хулқ-атворнинг аниқланганлиги; беморларнинг ёши 19 дан 59 гача бўлиши.

Биринчи ва учинчи гуруҳга киритилмаслик мезонлари сифатида эса қуйидагилар белгиланди: алкоголизм ёки опийли гиёхвандлик билан касалланган эркакларда ёндош руҳий касалликлар мавжудлиги (аклий заифлик, МНСнинг жиддий органик бузилишлари, эпилепсия, биполяр аффектив бузилишлар, шизофрения) ҳамда алкоголизм ёки опийли гиёхвандликдан ташқари бошқа психоактив воситаларга қарамликнинг мавжудлиги; сурункали соматик касалликлар кўзиган даврдаги беморлар; беморларнинг ёши 19 дан кичик ёки 59 ёшдан катта бўлиши.

Қўйилган вазифаларни амалга оширишда клиник-психопатологик, клиник-анамнестик, клиник-катамнестик усуллардан фойдаланилди: абсти-

нентция синдромининг ифодоланганлик даражасининг баҳолаш шкаласи; алкоголизмнинг прогредиентлик даражасининг баҳолаш шкаласи (С.Л. Кравченко, 2002; П.И.Сидоров, 2003); девиант хулқ-атвор турларини аниқлашда Змановская Е.В. сўровномаси (Змановская Е.В., 2004); преморбид шахс хусусиятларини аниқлашда П. Б. Ганнушкина (1933), О. В. Кербикова (1971), А. Е. Личко (1977), К. Леонгарда (1981) таснифи; характерологик сўровнома (шахснинг акцентуациясини аниқлаш учун ММРІ сўровномаси, қисқача варианты Л.Н.Собчик мослаштирган Мини-мульти).

Бош мия ҳолатларининг компьютер-томография хусусиятларини тадқиқ этишга киритилган барча беморларда бош миянинг компьютер-томографик ёки мультиспирал компьютер томографик тадқиқоти ўтказилди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усулида амалга оширилди. Нопараметрик тақсимланиш билан маълумотларни таҳлил қилишда Спирман корреляция коэффиценти усули қўлланилди. Ўртача фарқларнинг ишончлилиги ишонч интервали 95 % бўлган ҳолда Стюдент мезони асосида баҳоланади ($p < 0,05$).

Диссертациянинг «**Алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинган беморларда преморбид даврдаги девиант хулқ-атворнинг таққослама хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда алкоголизм ва гиёҳвандлик билан касалланган беморларда девиант хулқ-атвор ривожланишининг психологик омиллари, клиник-биологик хусусиятлари ва ижтимоий-демографик омилларга оид текширув натижалари келтирилган.

1-гурух беморларнинг асосий қисмини агрессив девиант хулқли (ДХ) (70 нафар бемор – 46,7 %) кишилар ташкил этди, кейинги ўринни делинквент ДХ (54 нафар бемор – 36,0 %) беморлар ва уларга нисбатан кам ўринни суицидал ДХ (26 нафар - 17,3 %) беморлар ташкил этди. 3-гурухда ҳам кўпроқ делинквент ДХ (73 нафар бемор – 48,7 %) ($P < 0,05$) беморлар учраши аниқланди, агрессив (59 нафар бемор – 39,3 %) ва суицидал ДХ беморлар нисбатан камроқ кузатилди (18 нафар бемор – 12,0 %).

Текширилаётган беморларда преморбид шахс хусусиятларининг таққослама анализи қуйидаги натижаларни кўрсатди: эксплозив ва нотурғун шахс типлари, асосан, биринчи (44 нафар бемор – 29,4%; 45 нафар бемор – 30,0 %) ва учинчи (41 нафар бемор – 27,3 %; 60 нафар бемор – 40,0 %) гуруҳда аниқланди. Эксплозив типдаги шахслар анамнезида, кўпинча, агрессив реакцияли аффектив кўзғалишлар кузатилган. Айни шу беморлар ёшлигида каннабис, алкоголь каби психоактив воситалар (ПАВ) истеъмол қилишга мойил бўлган, танишлари орасида эса етакчи бўлиб келишган, айнан уларда қарамлик тез шаклланган. Иккинчи ва тўртинчи гуруҳда нисбатан юқори кўрсаткичлар ананкаст ва конформ шахс типларига оид бўлган: 2-гурухда – 30,0 % ва 28,0 %; 4-гурухда – 20,0 % ($r = -0,63$) ва 26,0 % ($r = -0,55$).

Преморбид шахс хусусиятлари текширилганда, уларнинг уч хил турда намоён бўлганлиги аниқланди: характер акцентуацияси, психопатик шахс ва шартли гармоник шахслар. Характер акцентуацияси деярли барча гуруҳларда кўп фоизни ташкил этди ва қуйидаги натижалар кузатилди: 1-гурухда 101

нафар бемор (67,3%); 2-гурухда 31 нафар бемор (62,0%), 3-гурухда 66 нафар бемор (64,0%) ва 4-гурухда 29 нафар бемор (58,0%). Психопатик шахс кўпроқ 1- ва 3-гурухларда учради: 40 нафар бемор (26,7 %) ($r=0,58$) ва 51 нафар бемор (34,0 %) ($r=0,52$). Преморбид даврда девиант хулқ-атвор аниқланмаган гуруҳларда (2- ва 4-гурухлар) кўпроқ шартли гармоник шахс типлари аниқланди: 14 нафар бемор (28,0 %) ва 13 нафар бемор (26,0 %).

Преморбид даврдаги ДХ ва шахс типлари орасидаги боғлиқлик текширилганда, 1- ва 3-гурухларнинг преморбид даврда агрессив ДХ аниқланган беморларда, асосан, эксплозив (23 нафар бемор – 32,8 %; 18 нафар бемор – 30,5 %) ва нотурғун (26 нафар бемор – 37,2 %; 22 нафар бемор – 37,4 %) шахс типлари ҳамда делинквент ДХ беморларда эксплозив тип (17 нафар бемор – 31,5 %; 17 нафар бемор – 23,4 %) ва нотурғун тип (18 нафар бемор – 33,3 %; 35 нафар бемор – 47,9 %) аниқланди. Суицидал ДХ беморлар орасида энг кўп истероид шахс типлари учради (10-38,5 % ва 3-16,7 %).

Клиник усулда аниқланган преморбид шахс хусусиятларига оид маълумотлар ММРІ сўровномаси орқали экспериментал-психологик усулда аниқланган кўрсаткичлар билан мос келди. Булар қуйидаги маълумотлар билан тасдиқланди: агрессив ДХ 1- ва 3-гурух беморларида эмоционал-нотурғун (24 нафар бемор – 34,3 %; 20 нафар бемор – 33,9 %), диссоциал (13 нафар бемор – 18,6 %; 18 нафар бемор – 30,6 %) ва дистимик (12 нафар бемор – 17,2 %; 8 нафар бемор – 13,5 %) шахс типлари, делинквент ДХ беморларда эса диссоциал (13 нафар бемор – 24,2 %; 17 нафар бемор – 23,3 %), эмоционал-нотурғун (16 нафар бемор – 29,6 %; 29 нафар бемор – 39,7 %) ва дистимик (11 нафар бемор – 20,4 %; 14 нафар бемор – 19,2 %) шахс типлари ташкил қилди. 2- ва 4-гурух беморлар, асосан, шартли гармоник шахс типларига (14 нафар бемор – 28,0 % ва 13 нафар бемор – 26,0 %) ($P<0,001$) ($r=-0,99$) оид эканлиги аниқланди. Эмоционал-нотурғун ($P<0,01$) ($r=0,51$) ва диссоциал ($P<0,01$) ($r=0,56$) шахс типлари билан преморбид даврдаги ДХ орасида ишончли корреляцион боғлиқлик аниқланди.

Наслий мойиллик шахс девиацияси ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Бу омилларнинг таққослама текшируви наслий мойилликнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатди ва қуйидаги кўрсаткичлар билан тасдиқланди: 1-гурухда отасидаги алкоголизм – 20,7 %, 2-гурухда эса – 6,0 % ($P<0,01$) ($r=0,61$) бемор; 1-гурухда ота-онадаги алкоголизм – 10,7 % ҳолатда, 2-гурухда эса бор йўғи – 4,0 % ($P>0,05$) ($r=0,48$) ҳолатда; 1-гурухда қариндошларидаги алкоголизм ёки гиёҳвандлик – 8,7 %, 2-гурухда эса икки маротаба кам учради (4,0 %) ($r=0,39$); қариндошларида руҳий касалликлар (10,0 % ва 2,0 %) ($P<0,05$) ($r=0,69$); 1-гурухда перинатал патология – 13,3 %, 2 гурухда эса 6,0 % бемор ташкил этиши аниқланди.

Мавжуд беморлардаги опиятларга қарамликнинг наслий мойиллиги текширилганда, 3- ва 4-гурухдаги беморларда ушбу омиллар бўйича ҳам анча катта фарқлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, 3-гурухда ота-онасининг алкоголизмга чалинганлиги 7,3% ҳолатда бўлса, 4-гурухда аниқланмади. 3-гурухда отасининг алкоголизмга чалинганлиги – 16,0%, 4-гурухда 4,0% ($P<0,01$) ($r=0,64$) ни ташкил қилди. 3- ва 4-гурухдаларда қариндошларининг

алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинганлиги бир хил кўрсаткични (6,0%) намоён этди. Анамнезида перинатал патология 3-гуруҳда 4-гуруҳга нисбатан кўпроқ учраши кузатилди (20,7%, 10,0%) ($P < 0,05$).

Диссертациянинг «**Девиант хулқ-атвор ривожланиши ва шахс девиациясида ижтимоий-психологик омилларнинг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморларнинг оилавий ахволи, касбий фаолияти ва бандлиги, тарбия усули ҳамда референт гуруҳларнинг хусусиятлари ўрганилди.

Ўсмир тарбияланаётган ижтимоий муҳит уларда аддиктив хулқнинг шаклланишида асосий туртки бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади. Оиладаги муҳит, унинг руҳан соғломлиги ва энг муҳими, оила аъзоларининг қўллаб-қувватлаши - девиантликнинг муҳим руҳий-ижтимоий шартларидан биридир. Ўрганилган шахсларнинг ижтимоий ҳолати статистик кўрсаткичлар билан биргаликда қуйидаги маълумотларда келтирилган.

Преморбид даврда ДХ аниқланган ва аниқланмаган алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинган беморлар гуруҳлари орасида моддий тўқис, аммо маънавий қашшоқ бўлган оилаларда тарбияланганлар сони бўйича катта фарқлар аниқланди: 1-гуруҳда – 78,7 %, 2-гуруҳда – 28,0 % ($P < 0,001$) ($r = 0,81$); 3-гуруҳда – 61,3 % ва 4-гуруҳда – 6,0 % ($P < 0,001$) ($r = 0,92$) ни ташкил қилди. 2- ва 4-гуруҳлардаги беморлар, асосан, моддий тўқис оилаларда тарбияланган. Маънан етук оилаларда 2-гуруҳдан – 24,0 % ($P < 0,05$) ($r = -0,57$) ва 4-гуруҳдан – 56,0 % ($P < 0,001$) ($r = -0,80$) бемор тарбияланган. Кўпроқ отанинг ўрни устун бўлган оилалар иккинчи (30,0 % ($P < 0,01$) ($r = -0,61$)) ва тўртинчи (34,0 % ($P < 0,01$) ($r = -0,52$)) гуруҳларга нисбатан 1- ва 3-гуруҳдаги беморларда (агрессив ДХ (3,3 % ва 4,7 %), делинквент ДХ (4,0 % ва 6,0 %), суицидал ДХ (2,0 % ва 2,0 %)) камроқ эканлиги аниқланди.

Девиант хулқ-атвор ривожланишида - алкоголизм ва гиёҳвандлик билан касалланган беморларнинг преморбид давридаги оилавий ахволи муҳим аҳамият касб этади. Тўлиқ бўлмаган оилада (фақат отаси ёки онаси бор) ва қариндошларининг қўлида тарбияланганлар кўпроқ преморбид даврда ДХ бўлган беморларда учради (48,7% ва 32, %; 43,3% ва 36,7%), 2- ва 4-гуруҳда эса нисбатан камроқлиги аниқланди (10,0% ва 10,0%; 6,0 % ва 10,0%).

Алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинган беморларда оиласида тарбия усули ҳисобланадиган оилавий омилнинг қарамлик шаклланишига таъсирини ўрганиш мақсадида қиёсий гуруҳларда текширув ўтказилди ва қуйидагилар аниқланди: 1-ва 3-гуруҳ беморларда кўпроқ гипопротекция (48,0 % ва 46,0 %) ва шафқатсиз муносабат (40,7 % ва 16,7 %) типидagi тарбия кузатилган. Гипопротекция типидagi тарбияда ота-оналар, фарзандларидан кўра, кўпроқ ўз муаммолари билан банд бўлганлар, фарзандларининг бандлиги, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари билан қизиқмаганлиги аниқланди. Оилада болаларга шафқатсиз муносабат ва зўравонлик бўлганда, уларда кўрқув, ўз имкониятларини паст баҳолаш ёки улар томонидан мавжуд вазиятга қаршилик реакциялари кузатилган ва аддиктив хулқнинг шаклланишига олиб келган. 2- ва 4-гуруҳда гиперпротекция 74,0% ва 56,0% ҳолатларда устунлик

қилиши кузатилган ($P < 0,001$). Ота-онанинг фарзандига керагидан ортик ғамхўрлик қилиши, уларнинг ҳар бир қадамини назорат қилиши, баъзан болаларнинг ўзлари бажариши керак бўлган вазифаларни уларнинг ўзлари бажариши, ҳатто ким билан дўстлашиш, мактабдаги устозлари ва ўртоқлари билан юзага келган муаммоларни ҳам ўзлари ҳал қилиши – тарбиядаги нуқсонга олиб келган.

Референт гуруҳларнинг текшируви преморбид даврида ДХ аниқланган алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинган беморлар (1- ва 3-гуруҳлар), ДХ аниқланмаган 2- ва 4-гуруҳдан фарқли равишда, жиноий гуруҳлар (1-гуруҳда 10,0 % ва 2-гуруҳда аниқланмади; 3-гуруҳда 8,0% ва 4-гуруҳда ҳам аниқланмади) ва ўсмирларнинг асоциал гуруҳлари (24,0% ва 2,0% 1- ва 2-гуруҳларда, ($P < 0,001$); 21,4% ва 8,0% 3- ва 4-гуруҳларда) таъсири остида бўлган. Айниқса, катта фарқ делинквент ДХ (16,7% ва 14,0%, мос равишда 2- ва 4-гуруҳларда) беморларда аниқланди. 2- ва 4-гуруҳдаги беморлар асосан синфдошлари (22,0%, $P > 0,05$); (12,0%, $P > 0,05$) ёки яшаш жойларидаги дўстлари (16,0%, $P > 0,05$); (24,0%, $P > 0,05$) билан алоқада бўлишган.

Статистик аҳамиятга эга фарқ беморларнинг маълумот даражасида ҳам аниқланди. Демак, 1- ва 3-гуруҳдаги беморлар, асосан, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар аниқланган бўлса (57,3 % ва 56,0 %, мос равишда), 2- ва 4-гуруҳдаги беморлар (26,0 % ва 42,0 %), олий маълумотга эга эканлиги аниқланди (6,0 %, $P < 0,01$) ($r = -0,69$) ва (9,3 %, $P < 0,001$) ($r = -0,75$).

Алкоголизм билан касалланган, яъни 1- ва 2-гуруҳнинг оилавий аҳволи текширилиб кўрилганда, оилалилар (мос равишда 33,9 % ва 67,6 %) ($P < 0,001$) ($r = -0,61$), бўйдоқлар (мос равишда 31,4 % ва 20,0 %) ($P > 0,05$) ($r = 0,29$) ҳамда ажрашганлар (мос равишда 34,6 % ва 12,0 %) ($P < 0,001$) ($r = 0,59$) эканлиги аниқланди. Шунингдек, 3-гуруҳдаги беморларнинг 40,7 %и оилали, 24,0 %и бўйдоқ ва 35,3 %и ажрашган эканлиги аниқланди. 4-гуруҳдаги беморларнинг 60,0 %и ($P < 0,001$) ($r = -0,51$) айни вақтда оилали, ажрашганлари фақатгина 18,0 % ($P < 0,05$) ($r = 0,40$) ни ташкил қилди. Мазкур маълумотлар ушбу шахсларнинг оилавий аҳволи преморбидида ДХ беморларга нисбатан анча ижобий ҳолатда эканлигини кўрсатди.

«Преморбид даврда девиант хулқ-атворли беморларда алкоголизм ва гиёҳвандликнинг клиник хусусиятлари ва тиббий-ижтимоий оқибатлари» деб номланган бешинчи бобда алкоголизм ва опийли гиёҳвандликнинг ривожланиш динамикаси, унинг кечиш хусусиятлари, яъни ПАВ мунтазам қабул қилишнинг бошланиши, абстинент синдром шаклланиши ва унинг муддати, унинг клиник намоён бўлиши, касаллик кечишининг прогредиентлиги, психоактив воситаларга нисбатан патологик майл, ПАВни суистеъмол қилиш оқибатида шахс ўзгариши ва унинг ижтимоий оқибатларини ёритиб ўтилди.

Спиртли ичимликларни нисбатан эрта қабул қилишнинг бошланиши преморбид даврда девиант хулқ-атвор белгилари аниқланган алкоголизмга чалинган беморларда кузатилди (1-гуруҳ). Жумладан, алкогольни 15 ёшгача истеъмол қилишни 1-гуруҳдаги 19,4 % беморлар, 2-гуруҳдагиларнинг эса 6,0 %и ($P < 0,01$) ($r = 0,58$) бошлаганлиги аниқланди. 1-гуруҳдаги беморлардан

делинквент ДХ (12,0 %) ва агрессив ДХ (6,7 %) шахслар алкоголь истеъмол қилишни нисбатан эрта бошлаганлиги аниқланди.

Опиатларни нисбатан эрта истеъмол қилишни 3-гуруҳдаги (28,7 % -15 ёшдан 20 ёшгача) беморлар бошлаган бўлиб, уларнинг гиёҳванд моддаларни қабул қилишига сабаб, асосан, қизиқувчанлик, айрим ҳолларда эса етакчиларга тақлид қилиш ёки пассив бўйсинувчанлик бўлган. 4-гуруҳ беморларида эса ушбу ёшда гиёҳванд моддалар қабул қилганлар учрамади. 3-гуруҳдаги беморларнинг 57,3 %и, яъни ½ қисмдан кўпроғи, 4-гуруҳдагиларнинг эса 16,0 %и ($P<0,001$) ($r=0,75$) гиёҳванд моддаларни 20 – 25 ёшлар оралиғида қабул қилишни бошлаганлиги аниқланди.

Преморбид даврда девиант хулқ-атворли беморларда алкогольни систематик равишда қабул қилишнинг анча эрта бошланиши қарамликнинг тез ривожланиши ва касалликнинг юқори даражада прогредиент кечиши билан узвий боғлиқлиги аниқланди. 1-гуруҳ беморларининг 35,4 %и алкогольни систематик қабул қилишни 20 ёшгача бошлаган бўлса, 2-гуруҳдагиларнинг фақат 8,0 %и ($P<0,001$) ($r=0,73$) шу ёшда алкогольни суистеъмол қилишни бошлаганликларини таъкидлашди. 2-гуруҳдаги беморларнинг асосий қисми (58,0 %и) ($P<0,001$) ($r=-0,78$) спиртли ичимлик истеъмол қилишни 25 ёшдан кейин бошлаганлиги аниқланди.

Абстинент синдромининг (АС) нисбатан эрта шаклланиши 1- ва 3- гуруҳдаги беморларда кузатилди. Масалан, 1-гуруҳдаги 11,3 % беморларда 20 ёшгача кузатилган бўлса, 2-гуруҳдаги беморларда аниқланмади. 3-гуруҳдаги беморларда 18 ёшгача АСнинг шаклланиши 27,3 % ҳолатда кузатилган бўлса, 4-гуруҳдаги беморларда 2,0 %ни ташкил қилди ($P<0,001$) ($r=0,90$). Алкогол АС 20-25 ёш ва 25-30 ёш оралиғида шаклланган беморларнинг асосий қисми 1-гуруҳда (мос равишда 34,7 % ва 34,0 %) аниқланган бўлса, улардан фарқли равишда 2-гуруҳдаги беморларда улар мос равишда 4,0 % ($P<0,001$) ($r=0,85$) ва 8,0 % ($P<0,001$) ($r=0,71$) ни ташкил этди.

АСнинг нисбатан катта ёшда шаклланиши кўпроқ 2-гуруҳ беморларида кузатилди: 35-40 ёшда 26,0 % ($P<0,01$) ($r=-0,63$) ва 40 ёшдан ошганда 48,0 % ($P<0,001$) ($r=-0,94$). 4-гуруҳдаги беморларда АСнинг шаклланиши 25-30 ёшда 30,0 % ва 35 ёшдан ошганда 24,0 % ($P<0,01-0,05$) ($r=-0,69, -0,48$) эканлиги аниқланди. 1- ва 3-гуруҳдаги беморларнинг ҳар хил турдаги ДХ солиштирилганда, 1-гуруҳдаги делинквент ДХ беморларнинг 16,0 %ида АС 20-25 ёшда ва агрессив ДХ беморларнинг 17,3 %ида 25-30 ёшда шаклланганлиги аниқланди. 3-гуруҳда агрессив ДХ беморларда АСнинг шаклланиши 18 ёшдан 20 ёшгача 16,0 % ва 18 ёшгача 12,0 %, делинквент ДХ беморларда 18 ёшгача 14,0 % ва 18 ёшдан 20 ёшгача 21,33 % беморларда кузатилди. АСнинг шаклланиш муддатлари текширилганда, 1-гуруҳдаги беморларнинг кўпчилигида АСнинг қисқа муддатларда шаклланиши кузатилди: 1 йилдан 5 йилгача – 35,4 %, 5 йилдан 10 йилгача – 37,4%, 2-гуруҳда эса 2,0 % ($P<0,001$) ($r=0,93$) ва 4,0 % ($P<0,001$) ($r=0,87$) аниқланди. 2-гуруҳдаги беморларда АС нисбатан секинроқ ривожланганлиги маълум бўлди: жумладан, 15 йилдан 20 йилгача – 32,0% ($P<0,01$) ($r=-0,69$) ва 20 йилдан кўпроқ 54,0 % ($P<0,001$). 3-гуруҳдаги беморларда АСнинг шаклланиши кўпроқ 3 ойда – 57,3%

кузатилди, 1 ой ичида эса 25,3 % да шаклланган. Айниқса ишончли фарқ агрессив ДХ беморларда (1 ойгача – 10,0% ва 1 ойдан 3 ойгача – 26,0%) ва делинквент ДХ (1 ойгача – 14,0% ва 1 ойдан 3 ойгача – 28,7%) аниқланди.

Алкоголга патологик майл (АПМ) нинг аффектив компоненти структурасида депрессив симптоматика 1-гуруҳдаги беморларнинг барчасида кузатилди. Депрессиянинг ўртача (13,3 %) ва енгил (29,3 %) даражаси кўпроқ 1-гуруҳдаги агрессив ДХ беморларда аниқланди. Енгил даражадаги хавотир 1-гуруҳдаги (10,7 %) беморларда 2-гуруҳдагиларга нисбатан 4,0 % кўпроқ кузатилди. 1-гуруҳда юқори даражадаги хавотир, асосан агрессив ДХ (17,3%) ва делинквент ДХ (16,7 %) беморларда аниқланди. Эмоционал лабилликнинг юқори даражаси суицидал ДХ 9,4 % беморларда устунлик килди. Енгил даражадаги дисфория 2-гуруҳда камроқ (8,0 %); дисфориянинг ўртача даражаси 1-гуруҳда (27,1 %) кўпроқ кузатилиши аниқланди. Алкогол билан боғлиқ туш кўриш ва уйқу бузилишининг (алкоголга патологик майлнинг вегетатив компоненти) енгил даражаси 1-гуруҳда (10,7 %) камроқ кузатилди. Идеатор компонентнинг енгил даражадаги кўринишидаги фарқ қуйидагича бўлди: 1-гуруҳда 10,6 % ва 2-гуруҳда 56,0 %.

1-гуруҳда АС турли шакллариининг клиник намоён бўлиши умумий тарзда олиб қаралганда, ўткир абстинент синдромни (ЎАС) бир неча бор бошдан кечирган беморларда патологик майлнинг интенсивлиги, хавотирли-ипохондрик ҳолатларнинг кучли намоён бўлиши билан ажралиб турди. ЎАС 1- ва 2-гуруҳдаги беморларда, асосан, астеник шаклда (47,3% ва 62,0%) намоён бўлди. ЎАС сомато-неврологик шакли иккала гуруҳда ҳам деярли бир хил юзага чиқди – 29,3% и 28,0%. ЎАСнинг руҳий бузилишидаги фарқ катта эканлиги аниқланди: 1-гуруҳда 23,3% ва 2-гуруҳда 10,0% ($P < 0,05$).

Опиатларни суистеъмол қилиш натижасида юзага келган абстинент бузилишлар намоён бўлиши ўз ичига иккала гуруҳга ҳам хос бўлган алгик, соматовегетатив ва психопатологик каби компонентларни ўз ичига олади ҳамда бу компонентлар бири иккинчисидан намоён бўлиш даражаси билан фаркланади. 3-гуруҳдаги беморларнинг АС структурасида гиёҳванд моддаларга патологик майлнинг интенсивлиги «ўта қимматли аффект» типиди намоён бўлди. ЎАС симптомлари бўйича 3-гуруҳни 4-гуруҳ билан солиштирилганда алгик симптомлар 3-гуруҳда кучсиз намоён бўлиши аниқланди ($1,3 \pm 0,02$). Оғриқ симптомлар баллар бўйича 4-гуруҳда 3-гуруҳга нисбатан ишончли равишда юқори эканлиги кузатилди ($2,9 \pm 0,2$ ва $1,7 \pm 0,06$; $1,3 \pm 0,2$ ва $1,9 \pm 0,07$). 4-гуруҳда АСнинг кўздан ёш ажралиши, бурун битиши, гипергидроз сингари компонентлари кучли намоён бўлди ($2,7 \pm 0,08$). Оғир диспептик бузилишлар, кўнгил айланиши, қайт қилиш, ич кетиши, ичак ва қорин соҳасида оғриқлар 3-гуруҳдаги делинквент ДХ ($2,9 \pm 0,2$) беморларда кўпроқ кузатилди. Абстинент синдромнинг қуйидаги неврологик компонентлари – тремор, атаксия, бош айланиши, бош оғриғи турли даражада намоён бўлиб, 3-гуруҳдаги беморларда яққол сезилди ($2,8 \pm 0,2$ ва $2,1 \pm 0,07$). АС клиникасида транзитор руҳий бузилишлар 3-гуруҳдаги 16,5% беморда аниқланди. Опиийли АС структурасида хавотир, дисфория, жиззакилик, тушкун кайфият каби аффектив бузилишларнинг оғирлиги ва давомийлиги бўйича суицидал ДХ

беморларда интенсивлиги ремиссия кузатилган беморларга нисбатан икки баробар кучли эканлиги сезилди ($2,8 \pm 0,3$ ва $1,2 \pm 0,07$).

Алкоголизм ва гиёҳвандликнинг прогрессивлиги текширилганда, 2- ва 4-гуруҳ беморларида касалликнинг паст ва ўртача кечиши ишончли даражада юқори эканлиги аниқланди: 62,0% ($P < 0,001$) ($r = -0,80$) ва 28,0% ($P > 0,05$) ($r = 0,17$) 2-гуруҳда; 16% ($P < 0,001$) ва 26,0% ($P > 0,05$) 4-гуруҳда. 1- ва 3-гуруҳдаги беморларда, кўпинча, касалликнинг юқори даражада прогрессив кечиши кузатилди (49,3 % ва 46,7 %). 3- ва 4-гуруҳдаги ДХ турлари солиштирилганда, делинквент ва агрессив ДХ беморларда касалликнинг юқори даражада прогрессив кечиши аниқланди (1-гуруҳда 25,3 % ва 22,7 %; 3-гуруҳда 27,3 % ва 16,7 %). 4-гуруҳдаги беморларда гиёҳвандликнинг нисбатан секин ривожланишини кўрилди 58,0 % ($P < 0,001$). Касалликнинг юқори даражадаги прогрессивликда кечиши, асосан, нотурғун, тез кўзғалувчан, эмоционал лабил, дисфорик ва жиззаки шахсларда кузатилди.

Девиант хулқ-атворли беморларда (1-гуруҳ) 2-гуруҳдагига нисбатан алкогольга толерантлик юқори бўлиб чиқди. Жумладан, уларнинг 43,3%ида алкогольга толерантлик суткасига 1,0-1,5 литр эканлиги таъкидланди (40,0% алкоголь ичимлиги ҳисобида), шулардан 25,3 % агрессив ДХ ва 16,0 % делинквент ДХ ташкил этди. 2-гуруҳдаги беморларда нисбатан паст толерантлик кузатилди (52,0 %). Таъкидлаш жоизки, девиант хулқ-атворли беморлар (1-гуруҳ) алкогольни, асосан, даврий равишда истеъмол қилганлар (58,6 %). Улардан фарқли равишда, преморбидда девиант хулқ-атвор кузатилмаган беморлар (2-гуруҳ) алкогольни, асосан, доимий равишда истеъмол қилганликларини айтиб ўтдилар (62,0 % ($P < 0,01$) ($r = -0,40$)). Майзадали ичиш муддати бўйича алкоголизмнинг даврий шакли аниқланган: 1-гуруҳдаги 88 нафар (58,6 %) беморда майзадали ичиш узок давом этган (7 кундан ортиқ – 43,1 %; 3 кундан 7 кунгача – 33,1 % ва 3 кунгача – 23,8 %), айти пайтда, 2-гуруҳдаги 19 нафар беморда эса қисқа муддат давом этган (7 кундан узок - 15,9 %; 3 кундан 7 кунгача - 36,8 % ва 3 кунгача - 47,3 %). Алкоголизм билан касалланган агрессив ва делинквент ДХ беморларда майзадали ичиш нисбатан узокроқ давом этганлиги кузатилди (7 кундан узок – 23,8 %; 3 кундан 7 кунгача – 18,2 % ва 3 кунгача – 1,1 % агрессив ДХ беморларда; 7 кундан узок – 18,2 %; 3 кундан 7 кунгача – 14,8 % ва 3 кунгача – 7,9 % делинквент ДХ беморларда).

Наркотикларга патологик майл (НПМ) кўзишининг эмоционал-лабил варианти бўйича 3- ва 4-гуруҳда катта фарқ йўқлиги аниқланди (мос равишда 28,7 % ва 30,0 %). Бунда гиёҳванд моддалар ҳақида гап кетганда, беморларда кайфиятнинг ўзгариб туриши, инжиқлик, гиёҳванд моддаларсиз яшаб бўлмайд, деган хаёллар билан кечиши кузатилди. НПМнинг депрессив варианти, асосан, 4-гуруҳ беморлари орасида кўпроқ учради: 34,0 % ($P < 0,001$) ($r = -0,80$). Бундай беморларда ҳам кайфият пасайиши, тушкунлик кузатилди. Улар шифохонада ётганлигидан эзилганлар, шифохонадан кетиш учун турли баҳоналар излаб топишга ҳаракат қилишган. Тушкун кайфият ўз имкониятларини пессимистик баҳолаш, иложсизлик, атрофдагиларга бефарқлик билан кечиб, вақтларини, асосан, ўз палаталарида ўтказишга олиб

келган. НПМнинг дисфорик варианты, кўпинча, 3-гуруҳдаги беморларда кузатилиб (30,0 %), уларнинг аксар қисмини делинквент ДХ (16,7 %) шахслар ташкил қилди. Бу беморларда ҳам шифохонада ётганининг 8–10-кунларига келиб, кайфият пасайиши кузатилган: улар сержаҳл, жиззаки, атрофдагилардан норози бўлиш кайфияти кузатилган, сабабсиз атрофдаги тиббиёт ходимларига кўполлик қилиб, уларга нисбатан хурматсиз, кўпол муомалада бўлганлар. Хавотирли вариант, кўпинча, 4-гуруҳдаги беморларда аниқланди: 24,0 % ($P < 0,05$) ($r = -0,54$). НПМнинг психопатсимон варианты 3-гуруҳда 27,3 % ни ташкил қилган бўлса, 4-гуруҳда умуман кузатилмади.

Шахс ўзгаришларини ўрганиш шуни кўрсатдики, эксплозив типдаги шахс хусусиятларининг чуқурлашуви 1-гуруҳдаги беморларда 22,6 %ни (делинквент ДХ - 8,0 % ва агрессив ДХ - 13,3 %) ташкил этса, 2-гуруҳ беморларида 10,0 % эканлиги маълум бўлди. Бу типга кўпроқ хос бўлган хусусиятларга тез юзага келувчи аффект, майдакашлик, норозилик, хафачанлик, жиззакилик киради ва кейинчалик бу салбий одатларнинг зўрайиши натижасида аффектив жаҳлдорлик, ғазаб, айрим ҳолатларда эса биринчи навбатда, ўз яқинларига қаратилган аффектив хатти-ҳаракатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Астеник ва синтон типлар кўпроқ 1-гуруҳдагига нисбатан 2-гуруҳдаги беморларда кўпроқ кузатилди (20,0 % ($P < 0,01$) ($r = 0,75$) ва 28,0 % ($P < 0,001$) ($r = -0,86$)). Бундай беморларга жиззакилик билан кечувчи холсизлик хос бўлиб, осонгина кучли намоён бўлувчи норозилик, ғазаб, кўполликка айланиши ва осонгина хотиржамлик, ортидан бўлиб ўтганлардан афсусланиш юзага келиши мумкин.

Дистимик тип нисбатан 1-гуруҳдаги (12,7 %) беморларда кўпроқ учради. Бундай типдаги шахсларда айрим ҳолатларда қарама-қарши аффектларга осон алмашинувчи яққол эмоционал лабилликни кузатиш мумкин. Аҳамияти катта бўлмаган ташқи белгиларсиз ёки буларсиз тушкунлик, иложсизлик ҳисси, баъзан эса асоссиз ва ўта юқори кайфият кузатилиши мумкин.

Истерик тип 1-гуруҳдаги агрессив ДХ (6,6 %) ва делинквент ДХ (4,7 %) шахсларда кўпроқ аниқланди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ва ўз фикрларини баён қилишда ёрқин белгилар устунлик қилди. «Аслига қараганда яхшироқ кўринишга» интилиш, экспрессивлик, ўзини кўрсатиш, театраллик, ўзининг яхши сифатларига урғу бериш, баъзан эса ўзини-ўзи мақташ – мақтанчоқлик кабилар ҳам бундай беморларга хосдир.

Шизоид тип 1-гуруҳ беморларнинг 8,0 % ва 2-гуруҳнинг 6,0 % да учради. Бундай шахсларда мулоқот қилишга эҳтиёжсизлик – одамовилик хосдир. Уларда кайфиятнинг фони бефарқлик белгилари ёки тушкун-хафакон аффект билан аниқланади.

Психопатсимон симптомли алкоголь деградацияси кўпроқ делинквент ДХ (6,0 %) ва агрессив ДХ (4,0 %) беморларда аниқланган бўлса, 2-гуруҳда бундай беморлар аниқланмади. Бу беморларда қуйидаги белгилар кузатилди: кўпол киноялар қилиш, агрессив ҳаракатлар билан кечадиган, тўхтатиб бўлмайдиган қўзғалувчанлик, ахлоққа зид фикрларни билдириш, жонга тегадиган даражадаги очиклик ва ўзгаларни қоралаш кабилар. Сурункали

эйфория ва аспонтан турдаги шахснинг алкоголь деградацияси аниқланмади, чунки бу типлар алкоголизмнинг учинчи (охирги) босқичига хосдир.

Наркоманик шахс кўринишидаги шахс ўзгаришларига оид кўрсаткичлар 3- ва 4-гуруҳ беморларида деярли катта фарқ қилмади (мос равишда 82,7 % ва 82,0 %). Шахс деградацияси 4-гуруҳда аниқланмади, 3-гуруҳда 2,0 % беморларда маънавий-этик дефектнинг энгил даражаси аниқланиб, у ёлғончилик, ўзини олиб қочиш, атрофдагиларга нодўстона муносабат, этик қадриятларнинг камайиши ва ижтимоий мажбуриятлардан четлаш каби хусусиятлар билан характерланади. 3-гуруҳдаги 3,3 % беморда кузатилган ўртача даражадаги маънавий-этик деградация уятсизлик, кўполлик, цинизм, нимагадир боғланиб қолиш хусусиятининг пасайиши, умумий ижтимоий нормаларни тан олмаслик, қисман ёки кучли намоён бўлувчи асоциал хулқ-атвор каби кўшимча белгилар билан тўлиб борган.

Ниҳоят, кучли намоён бўлган маънавий-этик иллатлар 0,7 % беморда кузатилиб, нафақат юқорида санаб ўтилган белгилар билан намоён бўлган, балки яқинларига боғлиқликнинг бутунлай йўқолиши, ота-онасига ҳам нафратомуз муносабатда бўлиш, хурматга лойиқ кишиларни тан олмаслик, эмоционал қашшоқлашиш, атрофдагиларни қоралашга интилиш, масъулиятсизлик ва ижтимоий бефарқлик каби хусусиятлар ҳам аниқланди.

Аддиктив хулқ-атвор барча беморларимизда кузатилганлиги сабабли биз девиянт хулқ-атвор бошқа турларининг трансформациясини ўргандик. 1- ва 3-гуруҳдаги беморларда текширув вақтида агрессив ДХ мос равишда 52,0 % ва 40,7 %ни ташкил қилса, преморбид даврда бу шахсларда қуйидаги кўрсаткичлар бўлган: 46,7 % ва 39,3 %. Улар феъл-атворининг қуйидаги, яъни тундлик, ғазабноклик устунлик қилувчи кайфиятнинг ўзгариб туришига мойиллик, тез жаҳл чиқиши, дарғазаблик, бузғунчилик, атрофдагиларга зарар етказиш ва зўравонликка (оғриқ етказиш) мойилликнинг зўрайиши кабилар кузатилди.

Делинквен ДХ 1-гуруҳдаги 41,3 % беморда аниқланиб (преморбидда 36,0 %), улар учун ДХнинг оғирроқ кўриниши, яъни эгоцентризм, рухий инфантиллик, ҳайратланишга интилиш, ижтимоий мезонлар ва қадриятларни тан олмаслик хос бўлса, 3-гуруҳдаги беморларнинг 53,3 %ида (преморбидида 48,7 % , $P < 0,05$) ижтимоий мослашишнинг сустлиги, ўта жанжалкашлик, тез-тез кузатиладиган ҳуқуқбузарликлар каби хусусиятлар аниқланди. Ниҳоят, суицидал ДХ 1-гуруҳдаги беморларнинг 6,7 %ида аниқланди (преморбидида 17,3 %). Улар кўпроқ депрессияга, қўзғалувчанликка, аффектив сферанинг нотурғунлиги, тушкунлик ва кўниглда ғараз сақлаб юришга мойиллик кузатилди. 3-гуруҳдаги беморларда суицидал ДХ 6,0 % ҳолатда аниқланди (преморбидида 12,0 %). Уларда аутоагрессиялар кўп учраган.

